# САОДАТНОМА

## ВАТАН АЁЛЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Шу йилнинг 5 декабрида пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 6 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз сермазмун маъруза қилиб, жумладан, келаётган янги 1999 йилни Аёллар йили деб аталишини таклиф этдилар. Телевизор экранлари орқали кўриб турдик: бу таклифни залда ўтирганлар оёқларига қалқиб, гулдурос олқишлар билан кутиб олдилар. Бугун биз яна шунинг ҳам шоҳидимизки, Йўлбошчимизнинг бу ташаббускор ғояси бутун халқимиз томонидан зўр мамнуният ва чуқур кўнгил қониқишлари билан қабул қилинди.

Бутун Ўзбекистон аҳли ўз аёлларини ана шу улуғ воқеа муносабати билан муборакбод этмоқда. Аслини айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бу ғоя жамики ватандошларимизнинг ва ҳар биримизнинг айнан кўнгил тўридаги энг эъзозли, энг табаррук ҳис-туйғуларимизни ўзида мужассам этганлиги билан чуқур аҳамиятлидир. Чунки Аёл, бу — бошимизда меҳр-оқибат нурини сочиб турган бувижонларимиз, азиз онажонларимиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошимиз, жону-жаҳонимиз бўлган дилбар қизларимиздир. Уларнинг ҳар бири эъзоз-эҳтиромга, энг юксак ва оташин меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларига лойиқ инсонлардир. Биз уларни эъзозласак — ўзимизни эъзозлаган бўламиз. Ватанимизни, жамиятимизни эъзозлаган бўламиз. Чунки Президентимиз айтганларидек, **«минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади».** Шарқда эса аёлларга юксак эҳтиром азалий анъаналарига эга.

Шу эҳтиром ва меҳр-муҳаббат оғушида узоқ тарихимизда ўзбек аёллари орасидан не-не буюк инсонлар етишиб чиқди. Уларнинг ҳар бири ўзларининг юксак камолоти, салоҳияти, истеъдоди ва ёрқин инсоний фазилатлари билан халқимизни етуклик пиллапояларидан бир қадар баландга кўтарди. Президентимиз маърузасида тилга олинган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа мукаррама аёлларимизнинг ёрқин сиймолари порлоқ юлдузлардай абадиятга нур сочиб тураверади. Кейинги асрларда ҳам аёллар орасидан бундай нодираи замонлар кўплаб етишиб чиқди. Бугунги ҳуррият кунларида Зулфия, Сорахон Эшонтўраева, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева,Фозила Сулаймонова, Бўритош Шодиева, Дилбар Ғуломова, Нозима Деҳқонхўжаева сингари номи қитъаларга тарқалган машҳур аёлларимизни чексиз фахр ва ғурур ҳис-туйғулари билан тилга олишдан мамнунмиз.

Истиқлолга эришган Ўзбекистонда аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, уларнинг бахту-саодатини сарбаланд қилиш, инсонлик шаънини улуғлаш борасида янада кенг имкониятлар очилди. Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши бизда ҳамма нарса Инсон учун, унинг бахту-саодати ва равнақи учун, деган улуғ ғояларга амалий тус берди. Шу мақсадга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, кўпдан-кўп савобли ишлар амалга оширилди. Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, Аёллар йили Инсон манфатлари ва Оила йилида амалга оширилган катта ишлар ва тадбирларнинг мантиқий давоми бўлади. Худди шу мақсадда махсус давлат дастури тайёрланади. Кечагина матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг шу масалага доир Фармойиши Аёллар йилида давлат миқёсида амалга ошириладиган кенг кўламли, хайрли тадбирларга берилган оқ фотиҳадир.

Хуллас, Аёлларни эъзозлаш масаласи давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсати даражасига кўтарилганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бундай эъзоз бугун ва бундан кейин ҳам давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг ва кенг жамоатчиликнинг асосий вазифасига айланади.

Бошланаётган Аёллар йили, уларга юксак инсоний эҳтиром ва эъзозлар йили, меҳр-мурувват, гўзаллик ва нафосат йили ҳаммамизга муборак бўлгай, азиз ватандошлар!

**Михли САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда мутассади давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан аҳоли (оналар ва болалар)ни соғломлаштириш юзасидан мунтазам чора-тадбирлар белгиланиб, тегишлича бажариб келинмоқда. Шуниси аниқки, аёллар саломатлиги билан боғлиқ бўлган турли хил муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг, оналарнинг ўзига боғлиқ. Аммо аҳолининг, оналарнинг саломатликлари, бўлажак фарзандлар — генофонд саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган сайъ-ҳаракатларни ҳали етарли даражада, деб айта олмаймиз. Шу ўринда бир муҳим саволни беришга тўғри келади: ўз саломатлигини муҳофаза қилиш, ўз авлоди, фарзандлари, насл-насабини соғломлаштириш борасида аҳолининг ўзи томонидан қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда, саломатлик авваломбор инсоннинг ўзига боғлиқ эканлигини барча тўла тушуниб етдимикан?!***

## МАЪНАВИЯТ ВА СОҒЛИҚ

Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, зиёлиларнинг ўртача яшаш даври (ёши) умуман саводсиз ёки кам (чала) саводли кишиларнинг ўртача яшаш даври (ёши)дан бир неча йилга кўп экан. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, нега деганда, онги юксак, илмли, маданияти юқори бўлган ўқимишли кишилар ўз саломатлиги ҳақида қайғуради, тўғри фикрлайди, қолаверса, шахсий гигиена қоидаларига ҳамиша риоя қилади, касалликларнинг олдини олиш чораларини кўради,организм учун нима заруру, нима фойдали эканлигини яхши билади.

Болалар саломатлигини сақлаш масаласи нафақат соғлиқни сақлаш ташкилотларининг, балки энг аввало оила аъзоларининг барчасига тааллуқли масаладир. Буни англаш керак. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўз саломатлиги ва насл-насаби саломатлиги учун қайғуриш, тозаликка, шахсий гигиена қоидаларига, режимга риоя қилиш, табиатни асраш, атроф-муҳитни соғломлаштириш фақатгина юксак маънавиятга эга бўлган инсонларгагина хосдир.

Юксак маънавият эса, чекланган бир муддатда ва муҳитда пайдо бўлмайди. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: **"Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади".**

Жамият тараққиётининг асосий кучларидан бири аёллар — оналар эканлигини инобатга олсак, етук ва баркамол соғлом авлодни тарбиялашда уларнинг зиммасида алоҳида маъсулият борлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса ўсмир қизлар аҳволи, уларни соғломлаштириш, касб-ҳунар ўргатиш, уларнинг илм олиши, ҳуқуқий ва тиббий саводхонлиги, маданияти ва маънавиятини ошириш каби масалалар билан жиддий шуғулланиш ҳаёт тақозосидир. Чунки улар келажакда нафақат жамиятнинг фаол қатнашчиси, балки энг муҳими, бўлажак оналардир, фарзандлар тарбиячисидир. Бола тарбиясида онанинг ўрни ўзгачадир. Онанинг жисмоний ва маънавий саломатлик даражаси, маданияти, ҳаётга, жамиятга, меҳнатга бўлган муносабати, умумий дунёқараши ва ҳоказолар унинг фарзандида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам тарбиячининг ўзини — бўлажак оналарни, қизалоқларни тарбиялашга, уларни эркин фикрлашга, ўз-ўзини ҳимоя қила билишга ўргатиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Айрим ҳолларда халқимиз орасида ёшлардан, ўз фарзандларидан норози бўлаётган ота-оналарни ҳам учратиб қоламиз. "Қарс икки қўлдан чиқади", "Қуш уясида кўрганини қилади", дейишади. Ҳеч кимга сир эмас, агар туғма қобилияти, салоҳияти бир хил бўла туриб, бир неча бола турлича муҳитда тарбияланса, улардан турлича дунёқарашга, ақл-идрок ва маданиятга, маънавиятга эга бўлган инсонлар етишиб чиқади. Бу ўринда қуйидаги савол туғилади: ота-оналар ҳар доим ҳам ўз фарзандларига тегишли меҳр-муҳаббатни, эътиборни, тарбия ва маънавиятни бағишлаяптиларми?

Минг афсуски, бунинг учун ҳамиша ва ҳамма оилада ҳам имконият, шароит ва маънавий иқлим етарли даражада эмас. Маънавияти юксак, тафаккури илғор бўлган, мустақил фикрлай оладиган ота-оналар ўз шароитларидан, имкониятларидан, салоҳият ва қобилиятидан келиб чиққан ҳолда фарзандлар сонини (оилани) ҳам режалаштиради, ўз оила аъзоларининг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиши учун интилади, оилада соғлом турмуш тарзи, мўътадил турмуш маданиятини, оиланинг ибратли маънавиятини шакллантиради.

Сўнгги йилларда, ҳали ўзи болалик гаштини суриб улгурмаган, организми тиббий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам она ёки ота бўлишга тайёр бўлмаган фарзандларни уйлантириб қўйиш ёки турмушга узатиш, шундай қилиб ногирон болалар туғилиши, эрта туғиш туфайли балоғатга етмаган она организмининг баъзи бир касалликларга чалиниши ва айрим ҳолларда ёшликдан ногирон бўлиб қолиши ҳоллари кўзга ташланаяпти.

Бинобарин, турмуш қурадиган ёшлар нафақат жисмонан етук бўлиши, балки турмушнинг аччиқ-чучугини тасаввур қила олиши, оқ-корани ажрата билиши, мустақил фикрлай олиши, керак бўлса, маълум бир касб-ҳунарга эга бўлиши ва ўз оиласини иқтисодий жиҳатдан таъминлашга қодир бўлиши, ўзи яшаб турган мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-мафкуравий ислоҳотлар жараёнини тушуниб етиши керак.

Айрим ҳудудларда кенг тарқалган ҳолат: яқин қариндош (опа-сингил, ака-ука, хола-амаки)лар фарзандларининг турмуш қуриши кўнгилсиз оқибатларга, масалан, туғма ногиронларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Ана шуларнинг ҳаммасига инсонлар орасида юксак маънавиятни, маданиятни таъминламай,онгли турмуш тарзини ривожлантирмай туриб, чек қўйиш мумкин эмас.

Агар биз юқорида санаб ўтилган ва ҳаётда учраб турган айрим иллатларни ақл-идрок билан ўз вақтида бартараф этмас эканмиз, келажак бизни кечирмайди, ёш авлодни — генофондни бутунлайига соғломлаштиришга эриша олмаймиз. Бунинг учун омма орасида, оилаларда тинимсиз тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бориш, айниқса, бу борада нодавлат ташкилотлар фаолиятини кучайтириш лозим.

Маълумки, республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этади, ана шу аёлларнинг аксарияти яшаш шароити унчалик қулай бўлмаган қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Қишлоқ аёлининг оғирини енгил қиладиган, унинг ўзи ва фарзандлари саломатлигини муҳофаза қилишга кўмаклашадиган турмуш шароитини мўътадиллаштириш масаласи кўпгина ҳудудларда ҳанузгача ҳал этилмаган. Аксарият ҳудудларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш нуқталари фаолияти, қишлоқ жойларидаги мактабгача тарбия муассасаларини замон талабларига кўра жиҳозлаш ва ушбу масканларга болаларни максимал даражада жалб этиш ҳали талабга мувофиқ эмас. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёллар меҳнат маҳсули ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш учун хизмат қилаётган бўлса-да, маҳаллий мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан уларнинг ташвишини камайтириш учун тегишли шароитлар яратилмаяпти. Оналар эртадан кечгача далада банд бўлса, уларнинг болалари билан, маънавий ва маданий тарбияси билан ким шуғулланади?

Биргина соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, хотин-қизлар ва бошқа нодавлат ташкилотлар кучи билан соғлом турмуш тарзи ва генофонд саломатлигини таъминлаш қийин, албатта. Шу боис, жамоатчилик кучидан, аҳоли орасидаги, намунали оилалардаги фаоллардан ҳар жойда ва мунтазам фойдаланиш кўзланган мақсадга олиб келиши мумкин. Халқимизнинг саломатлик даражасини дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар кўрсаткичларига тенглаштириш чора-тадбирларини фақат ҳамкорликда тузилган режалар, фақат ҳамжиҳатликда бажариладиган ишлар билангина амалга ошириш мумкин.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг оила, оналик ва боликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти етакчи мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори.**



## ШЕЪРИЯТ ВА МУҲАББАТ МАЛИКАСИ

***Мумтоз адабиётимизда аёлнинг ҳусну латофати, ақлу дониши, хусусан, оташин муҳаббати марок билан куйланиб келинган. Шоирлар, адиблар аёл муҳаббатига достонлар бағишлаганлар. Чунки аёл қалбидан ўрин олган шу мўъжаз муҳаббатда улуғвор куч бор. Аёл муҳаббати ўзи кўнгил қўйган кишисини улуғ ишларга илҳомлантиради, унга меҳрини бахш этади.***

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Ширин Фарҳодга қарата: «Менинг аёллик номимни оқлаб, сенга садоқат сақлаб юришим бахтимдир» деганини эслайлик. Севгани Фарҳодга шамолни ҳам раво кўрмайди, унинг оёғига ботган тиконни киприклари билан олишга тайёр туради. Достонлардаги Ширин, Лайли, Дилором, Зулайҳо, Барчин каби хотин-қизларнинг образлари халқимизнинг орзусидаги сиймолардир. Ўзбек оилаларида бундай шарофатли, латофатли ва жасорат эгаси бўлган хотин-қизларимиз кўпдан-кўпдир.

Моҳларойим — Нодиранинг XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтганлигини яхши биламиз. У донишманд аёл, истеъдодли шоира. Бироқ биринчи навбатда меҳрибон она ва вафоли ёр эди. Шоиранинг турмуш ўртоғи Қўқон хони Умархон Амирий билан ўтказган оилавий ҳаёти эр ва хотин ўртасидаги бир-бирига нисбатан ҳурмат, муҳаббат ва садоқатнинг мукаммал бир кўриниши сифатида эътиборни тортади. Тўғри, уларнинг оилавий ҳаёти олий даражада бўлмаган. Мамлакатда рўй бериб турган зиддиятлар, одамлар ўртасидаги турли-туман муносабатлар, хону хонзодалар аро баъзи келишмовчиликлар оиланинг бахтли лаҳзаларига соя ташлаб турган, албатта. Бироқ Нодира шахсиятини юксак кўтариб турган ёри Умархонга бўлган муҳаббат уларнинг турмуш йўлидаги нохушликлар ва зиддиятларни бартараф қилиб борган. Нодира ва Умархоннинг ҳаёт йўли, ижтимоий фаолиятлари, ижодкор сифатидаги салоҳиятларидан яқиндан хабардор бўлган ўша замон тарихнавислари Ҳакимхонтўра ва Хотиф кабилар бу икки зотнинг оилавий ҳаёти ҳақида эътиборга лойиқ маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Умархон Нодирани ниҳоятда эъзозлар эди. Нодира эса ўз турмуш ўртоғининг маслаҳатгўйи, шеърият бобида шогирди ва ҳамкори эди. Мамлакатни обод, элни маърифатли кўришни орзу қилган шоира вақти-вақти билан Умархонга адолат, саховат ҳақида маслаҳат бериб туришга ҳам журъат этган. Бир форсий шеърида: «Қазо тикувчиси азалдан шоҳлик кийимини қоматингга ўлчаб тиккан экан, бинобарин, сен жаҳон халқининг ҳомийси бўлишга ҳаракат қилгин. Яхшилик билан номинг чиқсин. Яхши ном кишидан нишон бўлиб қолади», дейди. Қатор шеърларида халқ манфаати шоҳ манфаатидан устун эканлигини, яхши ҳоким, албатта, халқни ранжитмаслиги ва унинг манфаатларини кўзлаб адолатпарварлик, раиятпарварлик билан иш тутишини таъкидлайди. Асарларида турмуш ўртоғини улуғлаб «Хисрави Туроним», «Жамшиди давроним», «Соҳибқироним» сифатлари билан атайди, фарзандларининг отаси сифатида унга иззат бажо келтиради:

*Сен бирла олам мунаввар,*
*шоҳи даврондурмусен,*
*Мулкдур сендин музайян,*
*шоҳи Турондурмусен,*
*Лутфу хулқу доништу эҳсону ақли салтанат*
*Сендадур мажмуаи ахлоқу эҳсондурмусен.*
*Нодира, равшандур иқболим чароғи васл аро,*
*Кўзум ичра нур, ё кўнглум аро жондурмусен.*

Нодира бу каби шеърларида Умархоннинг улуғли шукуҳи, талъатини бир санъаткор сифатида катта муҳаббат билан ифодалайди. Бу ҳол оиладаги аҳиллик белгиси эди, албатта.

Нодиранинг ҳаёти фожиалар билан йўғрилган эди. У Умархондан жуда эрта жудо бўлди. Ижодида фиғон оҳанглари пайдо бўла бошланди.

У аждодларимиздан қолиб келаётган урф-одатларга катта эъзоз билан қаради. Шоҳнинг вафоти муносабати билан қилган хайрли ишларининг ҳаммасини Умархоннинг руҳи покига бағишлади. «Шод қилғай сенинг руҳингни худо раҳмат ила, мен ҳам эҳсон ила эл хотирин шод қилай» дейди ва ёзади:

*Улус ҳожатин раво айладим,*
*Суюнгайму руҳи равонинг сенинг.*
*Жигаргўша, кўз нури фарзандлар,*
*Ки бу барчасидур нишонинг сенинг.*

Нодиранинг Умархон вафотидан кейин тахтга ўтирган ёш ўғли Муҳаммад Алихонга ҳомийлик қилиш борасидаги ишлари оила шарафини сақлаш, ёш хонга муршидлик билан давлат, илм-фан, маданият ишларига раҳнамолик қилиш йўлидаги хатти-ҳаракатлар эди. Ўғлини отаси бошлаган ишларни давом эттириш, шу йўл билан хонликни мустаҳкамлашга ундади. Ўзи ҳам маърифат ишларига қўл уриб саройдаги шоирларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймади. Шоира ўз девонига битган дебочасида бу ҳақда шундай ёзади: «Кундан-кун фироқ дарди ва иштиёқ алами туғён қила бошлади. Гоҳо хаёли бирла кўнгул иштиёқига тасалли бердим ва гоҳи ёдин қилиб дил аҳволининг инқилобиға ором ва таскин еткурдум. Сайийиду саодот, машойиху уламолардин туҳфа ва ҳидоя бирла дуолар олдим. Масокин ва бенаволарға хайру эҳсонлар бирла баҳра еткурдим. Карам ва ато хонидин фуқаро ҳолини мамнун ва мустағни айлаб, марҳамат ва шафқатлар кўргуздим. Ва жаворида мадрасаи файзосор улуми дини талабларига бино қилдим ва тижорат аҳли ва савдо хайли учун саройи олий барпо қилдим. Жидду жаҳд бирла сипоҳийларға анжом, фиқароға ором еткурдим. Мамлакатни обод ва мунтамандлар кўнглини шод қилдим. Фазлу дониш қабиласиға шафқат ва марҳаматдин онча иноятлар кўргуздим, эътибор даражасиға тараққий қилдилар. Мусаҳфи шариф ва қутуби диний ва расойили яқиний кўп ёздурдим. Барчасини холисаниллоҳ вақф қилдим. Савоб ва ажрини ул ҳазратнинг руҳи равонлариға ийсор айладим».

Кўрамизки, шоиранинг ўз даври давлат низомларидан келиб чиқиб тадбиркорлик билан олиб борган ишлари бугунги кунимиз учун ҳам аҳамиятлидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Нодира аввало, меҳрибон она эди. У ўғилларининг ақлли, одобли, ўқимишли бўлиб соғлом ўсишларига катта аҳамият берган. Шу таълим-тарбия натижасида катта ўғли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) давлат арбоби даражасига етишди, ижодкор сифатида девон соҳиби бўлди. Кичик ўғли Султон Маҳмудхон эса салтанат ишларидан бохабар идора сарвари бўлиб камол топди.

Юқорида қаламга олинган Моҳларойим — Нодиранинг оилавий ҳаёт лаҳзалари унинг босиб ўтган катта йўлидан айрим лавҳаларгинадир, холос.

Оила муқаддасдир. Уни оиланинг комил аъзолари янада муқаддаслаштиради. Бугунги мустақил мамлакатимиз куч-қудратини шундай аҳил оилалар янада юксалтирадилар. Аждодларимизнинг оилавий ибратлари эса бугунги давримиз оилалари мисолида янада мустаҳкамланиб, равнақ топиб, замонамизнинг соғлом авлодлари сафларини кенгайтириб борадилар.

**Маҳбуба ҚОДИРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.**

*МУНОСАБАТ*

## БОРИГА ШУКУР

Май ойида тўсатдан Андижонга борадиган бўлиб қолдим. Самолётда учиш учун чипта олиш керак, аэропортга камида бир соат аввал бориб кутиш керак, таксида ярим куним кетади. Вақтни қизғаниб, Тошкент-Андижон поездида кетишга қарор қилдим.

Хуллас, кундузи барча ишларимни битириб, оқшом поездга чиқдим. Менга ўхшаб вақтни тежайдиганлар кўп эканми, ҳар ҳолда вагон лиқ тўла, биров чиққан, яна бирови тушган. Айниқса аёллар кўп. Ҳар бекатда ёпирилиб чиқишади. Катта-катта қопларни, сумкаларни орқалаб олишган. Кўтара олмаганлари эса судраб юришибди. Уларнинг ичида кексалардан тортиб, ёш қизларгача бор. Поезд ўрнидан жилиши билан вагон юк кўтарган хотин-қизларнинг овозларига тўлиб кетади:

— Арзон пайпоқ бор.

— Калиш сув текин.

— Келин оладиганлар борми, ранг-баранг матоларга кеб қолинг, Линда дейсизми, келини кийсин, қайнонаси кўрсиндан керакми, истаганингизни топиб бераман.

— Тиш ювадиган пастанинг хўрози фақат менда. У билан тиш ювган кампирлар ёш келинчакка айланиб қолалилар. Ким айтаяпти ёлғон деб, ўзингиз бекор айтибсиз...

Хотин-қизларнинг поездга чиқиб тушишлари, қий-чув эрталабгача тинмади. Бутун кеча давомида ухлаш у ёқда турсин, кўзимни юмиб, дам олишга ҳам имкон тополмай, самолётда кетсам бўларкан, деб ўзимни ўзим койидим.

Тошкентга қайтишда бундан-да баттар бўлди. Проводниклар хотин-қизларга қўпол муомала қилади. Тезроқ тушиб кет, бўлмаса текширувчиларга жарима тўлайсан, деб юкларини отиб, тепиб юборади. Шу орада бир суюқ эркак текисгина аёлга тегишибди шекилли, тўполон кўтарилди. Кечаси ухламасдан нарса сотиб юрганимни бошқача тушундингми, яшшамагур, дея чинқиради аёл. Уйқусирабман деяпман-ку, шаллақи, сенга ўхшаганларга кўзим учиб тургани йўқ — ўзини оқламоқчи бўлади эркак.

Мен эса оғир тин оламан. Олди-сотди билан шуғулланадиган бундай хотин-қизлар тун бўйи бир поезддан тушиб, иккинчисига чиқиб юраверишаркан. Поездларнинг қатнаш жадвалини ёдлаб олишган бўлса керак. Иккинчидан, ҳеч қачон чипта олишмас экан. Проводникларнинг хуноби ошгани шундан бўлса керак, деб ўйладим. Поездлар у юртдан бу юртга қатнайверса, хотин-қизлар ҳам тиним билмай, оғир-оғир юклар кўтариб, устига-устак туни билан поездларда олди-сотди қилиб юравеpишса, у ёғи нима бўлади? Буларнинг оталари, эрлари, ака-укалари борми ўзи? Онаси, аёли, опа-синглиси ёхуд қизини кечаси кўчага чиқариб қўйиб, ўзи хотиржам ухлайдиган эркакни ким деб аташ мумкин?

— Барча айбни эркакларга ағдаришингиз инсофдан эмас, дейди йўловчи суҳбатдошим — Пойтуғ пойабзал фабрикаси ишчиси Бозорбой ака Қаххоров. — Ҳозирги аёлларнинг кўпи эрини эр ўрнида кўрмайди, гапига кирмайди.

Бу гапдан яна асабийлашаман. Аввало, аёлига сўзи ўтмаган эрнинг ўзи ландовур, ношуд. Қолаверса, ҳамма аёллар ҳам Бозорбой ака айтганидек, эрини менсимайдиган ёхуд «қулоқсиз» эмасдир. Менимча, ҳамма гап борига шукур қилмаслик ва ва қаноат айламасликда. Мен поездда учратган ўша аёллар асосан қишлоқда яшашади. Хонадонларда сигир, қўй албатта боқилади. Камида 7-10 сотих томорқаси ҳам бор. Энди бир тасаввур қилинг: бундай хонадон аёлига уйда ҳамиша иш топилади. Оқила аёл сигирнинг сут-қатиқ, қаймоғидан истаганча пул ишлаши мумкин. Томорқадан келадиган даромад ҳам чакки бўлмайди. Иссиқхона қуриб қўйилса, қишин-ёзин даромаду буромад. Энг яхши томони шундаки, аёл оиласидан узоқлашмайди, вақтида ишлаб, вақтида ухлайди, оғир юк кўтариб чарчамайди, ўзига қарашга ҳам вақт топади.

— Нимасини айтасиз, ўртоқжон, — дейди кўзда ёши шашқатор дугонам М. — Мен аҳмоқ муҳандислик касбимни ташлаб, пул кетидан қувиб, кеча-кундуз, юртма-юрт юраверибман. Эрим бу ёқда уйланиб олган экан. Келин-куёвларимнинг олдида ер чизиб қолдим. Борига кўниб ўтирганимда бу кўргулик содир бўлмаслиги мумкин эди-ку.

Яқинда ишдан қайтаётиб, трамвайда ёшгина бир аёл билан танишиб қолдим. Исми Замира. Тошкент вилоятидаги туманлардан бирида яшаркан. Айтишича, беш-ўн нафар аёл бир бўлиб, Тошкентга келиб, ўн-ўн беш кун ижарада яшаб, Ипподромдан майда-чуйда маҳсулотлар (чет эл сақичи, турли ширинликлар) олиб келиб, Чорсу бозорида қимматроққа сотишаркан.

— Эрингиз борми? — сўрайман ундан.

— Бўлмасам-чи, учта фарзандим ҳам бор. Уйга ҳар 15 кунда бир бориб келаман.

— Сақичнинг устига қўйилган пулни қишлоқда ҳам топиш мумкин-ку. Арзимаган фойда сизга қимматга тушмасин тағин. Жаҳлингиз чиқмасин-у, у бозордан бу бозорга нарса олиб келиб сотган одам сиз айтгандай бизнесмен эмас, балки олибсотар,чайқовчи бўлади.

— Ўғирлик билан зинодан бошқанинг айби йўқ. Бола-чақам, оилам деб ўзимни ўтга-чўққа уриб юрибман. Тайёр нарсани оламан, сотаман....

Тўғри, қандай меҳнат тури билан шуғулланишни ҳар киши ўзи ҳал қилади. Иккинчидан, мен аёллар тижорат билан банд бўлишмасин, деган фикрдан мутлақо йироқман. Мен дунёнинг ҳайрати бўлган аёлнинг ҳамиша аёллигича қолиши, қадри, мартабаси юксак бўлиши тарафдориман. Мен аёлнинг туни билан вагонма-вагон изғиб, яхши-ёмонга рўпара бўлишини эмас, аксинча, ширин-ширин тушлар кўриб ором олишини истайман. Хоҳлаймизми-йўқми, кўп вақти кўчада ўтган аёлнинг оиладан узоқлашиши, аёллик вазифасини уддалолмай қолиши, эркаклашиши бор гап. Мен ана шундан қўрқаман.

— Замона зайли билан кўпчилик хотин-қизларимиз тижоратга ўтиб кетишгани сир эмас, — дейди Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани ички ишлар бошқармасининг катта терговчиси Қаҳрамонжон Мамажонов биз билан суҳбатда. — Агар аёл чиндан ҳам тадбиркор ёки бизнесмен бўлса, ўз ишини аъло даражада қойиллатиб адо этса, уни фақат табриклаш керак. Олибсотарлик эса аёлнинг ўзига ҳам, жамиятга ҳам кони зарар. Фурсатдан фойдаланиб, бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Кейинги пайтларда тижорат билан шуғулланувчи аёллар орасида маълум фоиз қўшиб қайтариш эвазига қарз кўтарувчилар кўпаймоқда. Яна АҚШ доллари ҳисобида денг. Қарз белгиланган муддатда қайтарилмаса, қўшимча фоиз бир кунда икка баробар ошади, жайдари тилда айтадиган бўлсак, болалайди. Охири иш судга келиб тақалади. Натижада кўпгина оилаларга зарар етиб, эр-хотинлар қўйди-чиқди бўлишгача бориб етишмоқда.

— Сизнингча, эркакнинг бу ишга дахли йўқ экан-да?

— Нега дахли бўлмасин. Асосий гап ўшаларда. Агар улар оилани, рўзғорни бут қилиб қўйсалар, аёллар тунда кезиб юришмасди, деб ўйлайман.

Терговчи ҳақ. Эркаклар, аёлларнинг оғир юк кўтариб, ширин уйқу ўрнига изғиб юриши сизга ҳам боғлиқ эканлигини асло унутманг. Парвардигорнинг энг ёмон кўргани, ҳеч қачон ёрлақамайдигани — ношукур бандаси экан. Аёллар, эрингизнинг топган-тутганини тежаб-тергаб, ўткинчи ҳою-ҳавас қулига айланмай, қаноат билан, борига шукур қилиб яшаш бахтингиздир, билсангиз.

**Гулчеҳра ҲУСАНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

